O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2008 йил 11 январь, № 8 (4418) Жума

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# ВАТАНГА МУҲАББАТ, ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ

*Улғайиб келаётган авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғоялари ва умумбашарий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, келажак эгалари онг-шуурига ҳарбий ватанпарварлик туйғусини чуқур сингдириш Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятининг муҳим йўналишларидандир. Бу борада тегишли давлат, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.*

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши матбуот хизматидан маълум қилишларича, ташкилот томонидан ҳарбий ватанпарварлик мавзуида ўтказилаётган тадбирларга умумтаълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, айниқса, кенг жалб этилаётир. Бунда уларни Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ва олий ҳарбий ўқув юртларига ўқишга тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ёшлар ташкилотлари томонидан Қуролли Кучларимизнинг 16 йиллигига бағишлаб ишлаб чиқилган махсус дастур асосида жойларда ташкил этилаётган тадбирларда ҳарбийлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар ҳам иштирок этмоқда. Ҳарбий қисмлар, олий ўқув юртлари, маҳаллалар, коллежлар, лицейлар, мактаблар, офицерлар уйлари ва бошқа муассасаларда мингдан кўпроқ ана шундай учрашув, давра суҳбати ва байрам дастурлари ташкил этилди. Бу жараёнда қарийб саксон беш минг нафар офицер, аскар, талаба, ўқувчи ва турли соҳаларда ишлаётган ёшлар қамраб олинди.

Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманидаги «Халқобод» фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган ана шундай тадбир «Мардлар қўриқлайди Ватанни» мавзуига бағишланди. Унда Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизни янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар бераётган самаралар хусусида сўз борди. Тадбир доирасида ташкил этилган мусобақаларда ёшлар спортнинг турли йўналишлари бўйича ўзаро куч синашди. Ёш ижрочилар томонидан маданий дастур намойиш этилди.

"Камолот"нинг Хоразм вилоят кенгаши томонидан оммавий ватанпарварлик ойлигини юқори савияда ўтказиш мақсадида "Юлдузлар ташрифи" лойиҳаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Лойиҳа доирасида таниқли санъаткорлар, ёзувчи-шоирлар ва бадиий жамоалардан ташкил топган ижодий гуруҳ ҳарбий қисмлар, меҳрибонлик уйлари, таълим муассасалари ва маҳаллаларда бўлиб, ўз маданий-маърифий

(Давоми 2-бетда).



КЎЗИМ ҚОРАЧИҒИСАН, ОНА-ЮРТ!

Жамшид НОРҚОБИЛОВ сурат-лавҳаси.

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**Урганч шаҳридаги «Урганч савдо уйи»да республика маҳаллий ишлаб чиқарувчилари тайёрлаётган халқ истеъмоли молларининг 2008 йилги сотуви учун улгуржи савдо ярмаркаси ўтказилди.**

### Улгуржи савдо ярмаркаси

Унда мамлакатимиздаги «Файз» холдинг компанияси, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг «Жиззахпластмасса» очиқ акциядорлик жамияти, «Ўзмевасабзавотузумхолдинг» компанияси, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти, «Хива-Карпет» қўшма корхонаси каби элликдан ортиқ нуфузли ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Ярмаркага 1000 дан зиёд турдаги халқ истеъмоли моллари қўйилди. Тадбирда 10 млрд. сўмликдан ортиқ шартномалар имзоланди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Модернизациялашга — 17,2 миллиард сўм

**Бухоро вилоятидаги «Учқир» газни тозалаш корхонасини модернизация қилиш ишлари муваффақиятли давом эттирилмоқда.**

«Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси режасига кўра, объектда технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари уч босқичда олиб борилиб, шу мақсадда 17,2 миллиард сўм маблағ сарфланади. Натижада, мутахассислар фикрича, яқин орада ён-атрофдаги конлардан газ қазиб олиш миқдори йилига бир миллиард куб метрга етиши кутилаяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тўдакўл саховати

**Навоий вилояти ҳокимлиги Тўдакўл имкониятларидан самарали фойдаланиш учун уни «Шамс-Навоий» фирмасига узоқ муддатга ижарага берган эди.**

Шундан сўнг, бу ерда фирма ташаббуси билан «Аква-Тўдакўл» балиқчилик қўшма корхонаси ташкил этилди.

Иқтисодиётга хориж сармоясини жалб этиш, чет эл компанияси билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш ўз самарасини кўрсатди. Эндиликда Тўдакўлнинг луқмаи ҳалоли Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятларига ва Россияга чиқарилмоқда.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Мобиль алоқа жадал ривожланмоқда

**Ўзбекистон Республикасида мобиль алоқа абонентлари сони 6 миллиондан ошди**

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар салмоқли натижалар бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги фармонида яқин келажакда ушбу мақсад йўлида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар аниқ белгилаб берилган. Бу эса миллий ахборот маконини ишончли ва муваффақиятли ташкил этиш имконини яратади. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат дастурларининг муваффақиятли рўёбга чиқарилиши бу борада муҳим ўрин тутади.

(Давоми 2-бетда).



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**9-10 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф этган кун тартибини тасдиқладилар.

"Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг аъзоси А. Бойқулов тақдим этди. Қонун лойиҳасининг барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокидаги моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар таклиф ва қўшимчалар киритдилар. Ана шу таклиф ва қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда Қонун қабул қилинди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзоси З. Убайдуллаев "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган ҳар бир модданинг батафсил муҳокамаси чоғида депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар баён этдилар. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

"Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Комилов тақдим этди. Депутатлар ушбу ҳужжатни моддама-модда муҳокама қилиш чоғида вояга етмаган шахсларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаб, унинг айрим нормаларини аниқроқ белгилашга қаратилган таклифлар киритдилар. Киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Қонунчилик палатасининг мажлиси 15 январда давом эттирилади.

**(ЎзА).**

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ МАМЛАКАТНИНГ ДЕМОКРАТИЯ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ НАВБАТДАГИ ҚАДАМИ БЎЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларининг натижалари хорижий элларда ҳамон катта қизиқиш уйғотмоқда. Чет мамлакатларнинг сиёсий, ишбилармон ва академик доиралари вакиллари юртимизда бўлиб ўтган сайловларни шарҳлаётганлари, бу хусусда ўзларининг баҳо ҳамда фикр-мулоҳазаларини билдиришаётгани ана шу қизиқишнинг қай даражада эканлигини кўрсатади.*

**Дунё нигоҳи**

**Буюк Британиядаги таниқли ишбилармон, «Оксус Голд» компаниясининг директори Ричард Уилкинс** мазкур сиёсий воқеага муносабат билдирар экан, қуйидагиларни таъкидлайди:

«Мен Ўзбекистондаги Президент сайловларини мамлакатнинг демократия тараққиёти йўлидаги навбатдаги муҳим қадами сифатида кузатдим. Дунёда демократиянинг ягона шакли мавжуд эмас, моҳиятан ҳар бир давлат унинг ўзига ва ўз халқига мақбул бўлган шаклини танлаб олади.

Демократия бу мазмунан одамларга танлаш имкониятини тақдим этиш демакдир. Ўзбекистон — кўҳна маданият ва тарихга эга бўлган ёш мамлакат ҳисобланади. Унинг иқтисодий ва сиёсий тизими тараққиётида мамлакатдаги мавжуд барқарорлик ва хавфсизлик тагзамини муҳим омил бўлмоқда, деб ўйлайман.

Ўзбекистон нобарқарор минтақада нобарқарор вақтда ўз мустақиллигини қўлга киритган эди. Ўзбекистонга таҳдид солувчи ва нафақат мамлакат халқи учун, балки бутун минтақа, умуман, бутун дунё учун тўғри келмайдиган номақбул йўналишга бошловчи кучлар бор эди ва улар ҳозир ҳам мавжуддир. Шу маънода мустақил тараққиётнинг ана шу дастлабки, ҳаётий ўта муҳим йилларида мамлакатда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлай олгани учун Президент Ислом Каримовнинг хизматларини эътироф этиш лозим.

Мен суҳбатда бўлган ўзбек халқининг барча вакиллари овоз бериш жараёнида улар учун энг муҳим масала бу тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш эканини алоҳида таъкидлашди. Шу сабабли улар Президент Ислом Каримовга овоз беришгани ҳолда ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширдилар».

**Пешавор университети (Покистон) ҳузуридаги Минтақавий тадқиқотлар марказининг директори Азмат Ҳаёт Хон** эса қуйидаги фикрларни билдирди: «2007 йилнинг 23 декабридаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари натижаларини таҳлил қилар эканман, унинг демократия тамойиллари ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла мувофиқ равишда ўтганини таъкидлашни истар эдим. Биринчидан, сайловлар кўп партиявийлик асосида бўлди, сайлов кампанияси чоғида тўрт номзоднинг барчасига тенг шарт-шароитлар яратиб берилди. Иккинчидан, МДҲ мамлакатларида илк бора кузатилгани — номзодлардан бирининг аёл киши бўлгани Ўзбекистон учун муҳим ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эгадир. Учинчидан, ўтказилган сайловлар Ислом Каримов ўзининг улкан хизматлари билан мамлакат халқи олдида катта эътибор қозонганини яна бир карра тасдиқлади.

Сайлов натижалари тараққиётнинг ўзбек модели номи билан машҳур бўлган ислоҳотларнинг босқичма-босқич йўналиши ва сиёсий барқарорлик учун аҳоли овоз берганини кўрсатди.

Марказий Осиё мамлакатлари, Россия ва Хитой Халқ Республикаси бўйича эксперт сифатида 1989 йилдан буён мен мазкур минтақадаги воқеалар ривожини диққат билан кузатиб келаман. Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда миллий манфаатларни таъминловчи ҳамда миллатлараро ва динлараро тотувликни қўллаб-қувватловчи янги сиёсий тизим шаклланди. Бошқа томондан, МДҲ мамлакатларининг барчаси учун ҳам осон кечмаганидек, янги дунё бозорига ва халқаро бозор муносабатларига ўтиш жараёни мамлакатда аҳолининг ижтимоий ва маънавий қўллаб-қувватлашини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилди. Бу модел сиёсий барқарорлик билан бир қаторда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ҳамда мамлакатнинг ишонч билан илгари одимлашини таъминлади».

(Давоми 2-бетда).

*Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида Олий Мажлис Сенати ўзига хос ўрин тутади. Зотан, юқори палата бугунги қонунчилик тизимида нафақат ҳудудлар манфаатини ҳимоя этади, балки юртимиз тараққиётига дахлдор масалалар юзасидан муҳим қарорлар қабул қилади. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни ҳар томонлама модернизация этишнинг зарур қонунчилик асосларини шакллантиришда мустақил институт сифатида ўз муносиб ҳиссаси билан иштирок этаётган Сенат фаолиятида, таъкидлаш лозимки, 2007 йил ўзига хос давр бўлди. Эришилган ютуқлар, қилинган ишлар хусусида мухбиримиз Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси Абдурашид Алтиев билан суҳбатлашди.*

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ МАҚСАД

**Сарҳисоб**

**— Авваламбор, якунланган йилда юқори палатанинг қонунлар устида ишлаш ҳамда уларни маъқуллаш жараёнидаги фаолиятини алоҳида қайд этишимиз керак...**

— Дарҳақиқат, 2007 йил Сенат фаолиятида сермаҳсул натижалар билан ортда қолди. Оддийгина мисол, бир йиллик фаолиятимиз давомида 60 та қонунни кўриб чиқдик ва маъқулладик. Қонунларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилса, аксарият қонунларнинг ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқлиги кузатилади. Бу мамлакатимиз барқарор тараққиёт йўлига тушиб, иқтисодий-ижтимоий ҳаётимиз тадрижий тарзда ислоҳ этилаётганидан, такомиллаштирилаётганидан дарак беради.

Ўтган йилда тўртта ялпи мажлис ўтказилиб, уларда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор муҳим ҳужжатлар маъқулланганини алоҳида эътироф этишимиз лозим. Хусусан, Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ПФ — 3641-сонли Фармони асосида ишлаб чиқилган "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

(Давоми 2-бетда).

# АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ ФРАНЦИЯДА НАШР ЭТИЛДИ




*Мана бир неча асрлардан буён буюк Алишер Навоий ва унинг ўлмас ижодий мероси бутун дунё тадқиқотчилари, ижодкор ва адабиёт мухлисларининг ақлини лол қолдириб келади. Буюк бобокалонимизнинг ёрқин меросини ўрганувчи шеърият ихлосманлари, тарихчи ва адабиётшунослар Францияда ҳам кам эмас.*

*Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 567 йиллиги арафасида Франциядаги ўзбек мумтоз шеъриятининг ихлосмандлари «Editions Georama» нашриёт уйидан ажойиб совға олдилар — «Навоий ғазаллари» тўплами француз тилида нашр этилди. Буюк шоирнинг инсонпарварлик, ватанга ва гўзалликка муҳаббат, комилликка интилиш, раҳм-шафқат ғояларига йўғрилган 30 дан ортиқ ғазали ушбу тўплам саҳифаларидан жой олган.*

**Ифтихор**

Китоб икки жонбоз ташкилотчи — Самарқанд давлат университетининг профессори Мурод Эргашев ҳамда кўп йиллардан буён Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатларнинг адабиёти ва санъатини тадқиқ этиб келаётган француз сайёҳатчи-санъатшуноси Жан Жак Гатэ ижодий ҳамкорлигининг маҳсули сифатида дунё юзини кўрди. Муаллифларнинг қайд этишларича, ушбу тўплам Навоий ғазалларини бевосита аслиятдан француз тилига ўгириш билан боғлиқ лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилишидаги биринчи қалдирғоч бўлди.

— Нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам эъзоз топган буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг номи ҳар бир француз энциклопедиясида қайд этилади, — дейди Ж. Гатэ. — Бироқ шу пайтга қадар

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ МАМЛАКАТНИНГ ДЕМОКРАТИЯ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ НАВБАТДАГИ ҚАДАМИ БЎЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Покистонлик халқаро кузатувчи, Кветта шаҳрида нашр этиладиган «Balochistan Today» журналининг бош муҳаррири Ёр Муҳаммад Бадиний** эса ушбу мавзу юзасидан қуйидаги фикрларини маълум қилди:

«Журналист сифатида сайлов ҳақидаги барча маълумотларни, хусусан, чет тилларида тайёрланган материалларни тақдим этган Марказий сайлов комиссиясининг иши яхши ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш муҳимдир, деб ҳисоблайман. Мунтазам равишда пресс-брифинглар ўтказиб турилдики, бу ҳам халқаро кузатувчи, ҳам журналист сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларини холис баҳолашим имконини берди.

Юқорида баён этилган жиҳатлар ҳам сайловларнинг яхши ташкил этилгани ва улар юксак даражадаги сиёсий маданият руҳида ўтганидан далолат беради.

Мен жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлганман. Ўзбекистондаги халқ демократияси ҳамда унинг сайлов ўтказиш бўйича ижобий тажрибасидан кўплаб хорижий давлатлар муваффақият билан фойдаланиши мумкин, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қайта сайланиши танланган йўлнинг тўғрилигини кўрсатади ва у олиб бораётган сиёсат мамлакат аҳолиси томонидан тўласинча қўллаб-қувватлаганидан далолат беради.

**Ҳиндистонлик халқаро кузатувчи, Жавоҳарлал Неру номли университет профессори, доктор Санжай Кумар Пандэй** билдирган фикрлар ҳам эътиборга сазовор:

«Ҳиндистонлик халқаро кузатувчи сифатида шуни қайд этишни хоҳлардимки, жўғрофий жойлашуви, умумий тарих ва маданий қадриятлар муштараклиги туфайли юртимизда Ўзбекистонга нисбатан ҳамиша катта қизиқиш билан қарашади. Биз Ўзбекистонни муҳим геостратегик аҳамиятга эга бўлган минтақадаги стратегик шерик сифатида биламиз.

Агар Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар самараларига тўхталадиган бўлсак, бу йўналишдаги эътиборга молик ютуқ-муваффақиятларга урғу бериш ўринли бўлади. Давлат раҳбари тимсолида ўз мужассамини топган ислоҳотлар Ўзбекистонда мамлакатнинг янгиланиши, салмоқли иқтисодий натижаларни қўлга киритишига олиб келди. Барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлиги, ижтимоий-сиёсий янгиланишлар, динлараро ва минтақалараро тотувлик, сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги, қонун ва қоидалар устуворлиги мужассам бўлган фуқаролик жамиятини шакллантиришга имкон бераётир. Ўзбекистон ҳақиқий демократияни қуриш йўлидан бормоқда».

**Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари Гао Юйшэн:**

«Ўзбекистондаги муҳим сиёсий воқеа — президент сайловларининг натижалари давлат раҳбари Ислом Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат халқ томонидан қўллаб-қувватланаётгани ҳамда жамиятни янада демократлаштириш йўлида мамлакат барқарорлиги ва тараққиётини таъминлашга ишонч билдирилганини кўрсатди. Сайлов натижалари сиёсий барқарорликни, иқтисодиёт шитоб билан юксалаётганини ва республика фуқароларининг турмуш даражаси изчил ўсиб бораётганини ҳам намоён этади».

**Кувайтдаги Араб очиқ университетининг узлуксиз таълим бўйича бош директори, доктор Фахд ал-Мекрад**:

«Ўтказилган сайловлар округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларида кузатилгани сингари сайловчилар фаоллигининг юксак даражасини ҳам намойиш этди. Ишонч билан айтиш мумкинки, республика фуқаролари сайловларга нисбатан жиддий ёндошдилар ҳамда ўзлари танлаган номзодларга онгли равишда овоз беришди. Улар мамлакатнинг келажаги ва умуман олганда, халқнинг эртанги куни шунга боғлиқ эканлигини теран англайдилар.

Сайлов ўтказиш жараёнининг ўзи бошдан охиригача энг замонавий ва демократик асосга эга бўлганини эътироф этиш жоиздир. Сайловолди кампанияси номзодлар ўртасида анъанавий ўзаро ҳурмат руҳида ташкил этилди, олдинданоқ ҳар бир сайловчи рўйхатдан ўтказилди ва улар иштироки таъминланди, тарғибот ишлари очиқ ва ошкоралик шароитида ўтдики, буларнинг барчаси ўзбек халқининг сайлов маданияти юксак даражада эканлигини яққол кўрсатди. Президент сайловлари мамлакатнинг янада тараққий топиши учун янги туртки беришига ишончим комил. Давлат раҳбарияти томонидан таъминланаётган тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг муваффақиятли ўтишига имкон берди, деб ҳисоблайман.

Биз бугун республика аҳолиси ўз президенти сифатида кимни кўришни хоҳлаганини билиб олдик. Шахсан мен Ислом Каримов номига йўлланаётган барча қутловларга қўшиламан ҳамда унинг Ўзбекистон гуллаб-яшнаши ва тараққиёти йўлидаги шарафли фаолиятига улкан муваффақиятлар тилайман. Ўзбекистон фуқаролари Ислом Каримовга ўз овозларини беришгани ҳолда давлат етакчисининг ички ва ташқи сиёсатини, у бошлаган барча хайрли ишлар ва ташаббусларни, республикада амалга оширилаётган ўзгариш ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини ифода этдилар».

**«Жаҳон» АА.**

# Мобиль алоқа жадал ривожланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси замонавий технологиялар асосида жадал ривожланмоқда. Ҳозир республикамиз шаҳар ва туманлари марказларидаги барча тармоқлар рақамлаштирилган бўлиб, аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасаларга юқори сифатли шаҳарлараро телефон алоқаси ҳамда маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатилмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда, Интернетдан фойдаланувчилар сони ошиб бормоқда.

Мобиль алоқа компаниялари абонентлари тобора кўпаймоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда бешта — "МТС-Ўзбекистон" (Ўздунробита, GSM стандарти), "Unitel" ("Билайн" савдо тамғаси остида хизмат кўрсатмоқда, GSM стандарти), "COSCOM" (GSM стандарти), "Perfectum Mobile" ("Rubicon Wireless Communication", CDMA стандарти) ва "Ўзбектелеком" акционерлик компаниясининг "Ўзбектелеком мобайл" филиали ("Uzmobile" савдо тамғаси, CDMA стандарти) мобиль алоқа операторлари фаолият кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда республикада мобиль алоқа тармоғининг фаол ривожланиши ва ундан фойдаланувчилар сонининг ўсиши кузатилмоқда.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълумотларига кўра, 2005 йилнинг ноябрида республикамизда мобиль алоқанинг дастлабки бир миллион абоненти рўйхатга олинган бўлса, 2007 йил бошида уларнинг сони 2,7 миллион нафарга етди. 2007 йил давомида эса ушбу алоқадан фойдаланувчилар сони икки баравардан ошди ва йил охирида 5,8 миллион абонентни ташкил этди.

Мана, яна бир марра эгалланди: 2008 йил январининг биринчи ўн кунлигида Ўзбекистонда мобиль алоқа абонентлари сони 6 миллион нафардан ошди.

Ахборот алмашиш инфратузилмасини мобиль алоқа шаклида кенгайтириш, шубҳасиз, ишлаб чиқариш ва бошқарув муносабатларини такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини янги босқичга кўтариш, аҳоли учун янада қулай турмуш шароитларини яратишга кўмаклашади.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маъқулланиши жиноий жазо тизимини либераллаштириш ва инсон ҳуқуқларини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этди. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги ПФ—3644-сонли Фармони асосида ишлаб чиқилган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан албатта, мавжуд қонунчилик тизимини такомиллаштириб, мамлакатимиз тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

**— Абдурашид Султонович, Сенатда бугун олтита қўмита самарали фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш юзасидан амалга ошираётган тадбирлари хусусида ҳам тўхталсангиз.**

— Ҳақиқатдан ҳам, қўмиталаримиз жорий йилда мавжуд қонунлар ижроси борасида бир қатор тадбирларни амалга оширди. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маъқулланиши суд-ҳуқуқ тизимида, Юртбошимиз ташаббуси билан Қонунчилик палатасига киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маъқулланиши давлат бошқарувидаги улкан ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини белгилаб берди.

Шу билан бирга, миллий иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларига доир қонунлар маъқулланди. Хусусан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди, шунингдек кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, суғурта, аудит, бюджет тизими, телекоммуникация, қимматли қоғозлар ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни назарда тутувчи бошқа қонунларга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Булар, ди. Хусусан, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ва қонунлар ижроси юзасидан қўмиталар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, масъул давлат ва нодавлат муассасалар ҳамкорлигида ва кўмагида ўн олтита масала юзасидан назорат-таҳлил тадбирлари ўтказдилар. Масалан, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Хоразм вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди. Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши билан бирга уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти мониторинг қилинди. Соҳаларда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчилик ва хатолар таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Бизнинг қўмитамиз "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ижросини назорат-таҳлил тартибида кўриб чиқди. Айтиш лозимки, ушбу назорат-таҳлил фаолияти натижаларининг соҳа мутасаддилари ва қонун ижодкорлари ҳамкорлигида муҳокама этилгани муҳим аҳамият касб этди. Буларнинг барчаси Сенатнинг конституциявий ваколатларини амалга оширишда салоҳиятини юксалтирди.

**— Сенатнинг ваколатлари хусусида сўз очдингиз. Айтинг-чи, юқори палата Конституциямизда белгиланган яна қандай тадбирларни амалга оширди?**

— Саволингиз жуда ўринли. Негаки, Бош Қомусимизга мувофиқ, Сенатга қатор ваколатлар берилган. Улар ҳақида айтадиган бўлсам, Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига биноан, ўн иккинчи ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарор қабул қилинди. Таъкидлаш лозимки, ушбу Қарорга мувофиқ, биринчи марта содир этган жинояти учун ҳукм қилинган аёллар, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга тўлмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет эл фуқаролари озод этилади. Яна бир неча ҳолатлар бўйича жиноят содир этган фуқароларга нисбатан ҳам амнистия қўлланиши назарда тутилмоқда. Соф ўзбекона кечиримлилик, бағрикенглилик қадриятларига асосланган ушбу ҳужжат минглаб хонадонларга қувонч бахш этди, дея бемалол айта оламан.

Қолаверса, Сенатда мамлакатимизнинг хориждаги фавқулодда ва мухтор элчиларини тайинлаш, Олий суд, Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш юзасидан ҳам қарорлар қабул қилинди.

Шу ўринда сенаторларнинг аҳоли билан учрашувлари, қўмита мажлислари, ялпи мажлислар — барчаси марказий ва маҳаллий, шунингдек, халқаро оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилди. Халқимизнинг Сенатга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Буни, айниқса, ўтган йили 2600 дан зиёд фуқаролар мурожаатлари келиб тушганидан ҳам билиш мумкин. Фуқароларимизнинг ўзлари дуч келаётган муаммолар, таклифлари акс этган мурожаатларнинг барчаси Сенатнинг қўмиталари назоратига олиниб, тегишли тартибда ўрганиб, кўриб чиқилди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган йили фаолиятимиз янада самарали, залворли ютуқларга бой бўлди. Ўйлайманки, Ёшлар йилида ҳам халқимиз манфаати, Ватанимиз равнақи йўлидаги ишларимизни изчил давом эттирамиз.

**Қобилжон ХИДИРОВ суҳбатлашди.**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ МАҚСАД

# АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ ФРАНЦИЯДА НАШР ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Алишер Навоийнинг француз тилидаги шеър ва достонлари тўпламининг сони кам бўлгани боис француз тилида сўзлашадиган китобхон ва санъат мухлисларининг буюк аллома меросидан баҳраманд бўлиш имконияти чекланган эди.

Француз олимининг айтишича, ҳазрат Навоий ғазалларидаги образлар, фалсафа ва ҳис-туйғулар, шунингдек, шеърий вазн услуби шу даражада аниқ ва чуқурки, уларни бутун моҳияти билан француз тилида ифода этиш осон кечмади.

Тўплам муқаддимасида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар китобхонлар эътиборига ҳавола қилинар экан, буюк бобокалонимизнинг ижоди жуда муҳим аҳамиятга эга эканини, у умуминсоний маданий мерос ганжинасида муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланади — «Буюк шоир ижодиёти туфайли ўзбек адабиёти Шарқ халқларининг умумий маданиятида муҳим ўринни эгаллади». Китобда Шарқ халқлари шеъриятида оммабоп бўлган «ғазал» жанрига оид ўзига хосликлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз аксини топган.

Мазкур тўпламга безак берилишида бухоролик рассом Жаҳонгир Ашуровнинг ҳиссаси катта бўлганини ҳам таъкидлаш жоиз. Ғазалларнинг ҳар бирига миниатюралар шу даражада зukколик билан танланганки, уларда буюк шоир ғазалларидаги образлар, ғоя ва ҳис-туйғу, чуқур фалсафий маъно-мазмун ўз ифодасини топади.

Яна шуниси эътиборга моликки, «Editions Georama» нашриёт уйи «Навоий ғазаллари» тўплами билан бир вақтнинг ўзида «Ўзбек халқ мақол ва маталлари» тўпламини ҳам француз тилида чоп этди. Халқимизнинг кенг тарқалган мақол ва маталлари, уларнинг француз тилидаги маъно ва мазмуни изоҳлари мазкур китоб саҳифаларидан жой олган.

Самарқанд давлат университети ўқитувчилари Муродхон Эргашев ҳамда Исохон Ниёзов мақолларни ўзбекчадан француз тилига ўгиришган. Шунингдек, китоб ўзбек халқининг бугунги ҳаёти, анъана ва урф-одатларини акс эттирадиган ранг-баранг суратлар билан безатилган. Уларнинг муаллифи — «Editions Georama» нашриёт уйининг директори Дидье Лабуш. Унинг мамлакатимиздаги тарихий шаҳарлар бўйлаб саёҳатлари суратларда ҳам гўзал бир кўринишда ўз аксини топгандир.

Тўпламга ёзилган сўзбошида мақол ва маталлар халқимиз оғзаки ижодининг бир бўлаги эканлиги ҳақида фикр юритилар экан, улар ўзбек халқининг бой ички дунёси ва донишмандлигини ўзида мужассам этиши, мақоллар мамлакатни ва унинг одамларини янада яхши тушунишга ёрдам бериши алоҳида таъкидланади.

«Жозибадор ва ноёб меъморий ёдгорликларга эга бўлган Ўзбекистон, аввало ўз халқининг маънавияти билан бой ҳисобланадики, ҳар бир хорижлик сайёҳ буни сезмаслиги сира мумкин эмас», деб ёзади «Editions Georama». Сўзбошида француз ўқувчилари ўзбек халқининг бой маданий ва маънавий мероси билан яқиндан танишишига даъват этилади.

**М. ЁҚУБОВ.**
**«Жаҳон» АА.**
Париж.

"Экосан" халқаро ташкилотининг 45 млн. сўмлик инсонпарварлик юклари ортилган "Саломатлик" поезди Хоразм вилоятига етиб келди.

# «Саломатлик» поезди Хоразмда

Қишки кийим-кечаклар, пойабзал, кўрпа-тўшак ва бир қатор санитария-гигиена воситаларидан иборат ушбу юк махсус комиссия қарори билан кам таъминланган оилалар, шифо масканлари, махсус мактаб-интернатлар ва бошқа бир қатор ижтимоий муассасаларга тарқатилиши кўзда тутилган.

Эътироф этиш кераккки, "Саломатлик" поезди юклари "Экология ва саломатлик" кунлари доирасида ўтказилган ҳашар ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ташкил этилди.

**М. ХОЛМАТОВА.**

# КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРГИР

***«Дилрабо СДА» кўп тармоқли хусусий фирмасининг мақсадли сармоялари иқтисодий жиҳатдан ночор қўшма корхона фаолиятини қайтадан изга солиб юборди. Эндиликда бу ерда тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари ташқи бозорга ҳам чиқарилмоқда.***






Яқинда эса Москва шаҳридаги «Евроазия центр» масъулияти чекланган жамияти билан 4 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномаси тузилди.

Хусусий фирма соҳибаси, ёртепалик тадбиркор Маъсудахон Содиқованинг айтишича, Тўрақўрғон тумани марказидаги қўшма корхонада юзга яқин қиз-жувон меҳнат қилмоқда. Улар хориждан келтирилган «Зингер» машиналарида тиккан либосларнинг сифати бозордаги унча-бунча импорт буюмларидан ортиқ бўлса борки, кам эмас. Корхонанинг кўргазмалар залига қўйилган маҳсулотларни кўздан кечирган киши бунга амин бўлади. Улар орасида халат, ички кийимлар, спорт формаларидан тортиб, болалар кийим-бошлари, ҳатто чақалоқларга мўлжалланганлари ҳам бор.

«Дилрабо СДА» ўтган ойда хорижий ҳамкорларга 25 минг АҚШ долларидан ортиқ маҳсулотлар жўнатди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятидан лавҳалар.

**Аҳмад ҲАМДАМ олган суратлар.**

Сирдарё томонларда

# Ибратли ташаббус

***Бу йил Юртбошимиз томонидан «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Сирдарё ёшлари ҳар бир туман ва шаҳарда «Ёшлар боғи»ни ташкил қилиш ташаббуси билан чиқдилар.***

Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси эса уларни зарур мевали ва манзарали дарахт кўчатлари билан таъминлайдиган бўлди.

Айни пайтда туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан боғ учун ер ажратилиб, кўчат экишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

# Шифохона янги кўринишда

***Гулистон шаҳар шифохонасининг капитал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.***

Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан бошланган хайрли ишнинг бошида «Гулистонэкстрактёғ» ҳиссадорлик жамияти турди.

Шифохона тўлиқ таъмирланибгина қолмай, ундаги жиҳозлар ҳам бутунлай алмаштирилди. Натижада беморларнинг даволанишлари, шифокорларнинг билим ва малакаларини ошириш учун барча зарур шароит яратилди.

# Фермерлар учун синов

***Сирдарё вилоятида фаолият кўрсатиб турган 8 минг нафардан зиёд фермер учун анъанавий қишки ўқув ташкил қилинди.***

Бир ҳафтадирки, улар деҳқончилик агротехникаси, чорвачилик сир-асрорлари бўйича тажриба алмашибгина қолмай, ўзларининг сиёсий, ҳуқуқий билимларини ҳам оширмоқдалар.

Аввалги йиллардаги ўқув машғулотларидан фарқли ўлароқ, бу йил фермерлар ўз ихтисосликлари бўйича гуруҳларга бўлиндилар. Ўқув машғулотларини олимлар, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, қишлоқ хўжалигига дахлдор бошқа корхона, ташкилот, муассасалар мутахассислари, ҳуқуқшунослар ҳамда банк ходимлари олиб боришмоқда.

Ўқув машғулотлари январь ойи охирида якунланиб, фермерлар олган билим ва тажрибалари юзасидан тест синовларини топширадилар.

**Ортиқ СУЛТОНОВ.**

# ВАТАНГА МУҲАББАТ, ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

дастурларини намойиш этди. Турли соҳалар мутахассислари ва ёшлар иштирокида ўтган давра суҳбатларида келажак эгаларининг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини юксалтириш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва армия сафларига чақирилажак йигитлардан талаб этиладиган жисмоний, ҳарбий ва маънавий тайёргарлик хусусида фикрлашилди.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида, маънавий етук ва жисмонан баркамол этиб тарбиялашда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақалари катта аҳамият касб этмоқда. Йилдан-йилга тобора оммалашиб бораётган мазкур тадбирда умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчилари фаол иштирок этаётир. 2007 йили ушбу тадбирнинг туман, вилоят ва финал босқичлари ҳар қачонгидан ҳам юқори савияда, кўтаринки руҳда ўтди. Унда икки юз минг нафардан зиёд ўсмир қатнашди. Мусобақа жараёнида ўқувчилар жанговар ҳарбий-спорт йўналишидаги беллашувлардан ташқари, ҳуқуқ соҳасидаги билими бўйича ҳам куч синашди.

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юксак кўрсаткичларга эришган, муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида тенгдошларига ибрат бўлган, ватанпарвар ва фидойи ёшларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш даврида "Камолот"нинг талабалар ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этса, контракт суммасининг 35 фоизини тўлаш тариқасида моддий ёрдам кўрсатмоқда. 2006-2007 ўқув йилида қарийб 2700 нафар талаба ана шундай ёрдамдан баҳраманд бўлди. Жорий ўқув йилида уларнинг сафи янада кенгаяди.

Яратилаётган бундай қулайликлардан оқилона фойдаланишга, давлатимиз раҳбарининг кўрсатаётган ғамхўрлигига муносиб бўлишга интилаётган йигит-қизларимиз орасида ҳарбий соҳада фаолият юритаётган ёшлар ҳам талайгина. Уларнинг бу борадаги шижоати давлатимиз ва халқимиз томонидан муносиб эътироф этилаётир. Давлат мукофотлари, шунингдек, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, "Камолот" стипендияси соҳиблари қаторида барча жабҳалар сингари ватан ҳимоясига камарбаста ёшлар ҳам кўп эканлиги фикримиз исботидир.

"Камолот" тизимида Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган аскарлар иштирокида ранг-баранг тадбирлар ўтказишга, ҳарбий амалий-техник спорт турларини янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунда Мудофаа, Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси каби ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши самара бераётир.

Мамлакатимизда кенг жамоатчилик иштирокида "Ҳарбий хизматга кузатиш", "Ҳарбий қасамёд қабул қилиш" каби маросимлар, хизмат бурчини намунали адо этаётган аскарлар билан учрашувларни байрамона тусда ўтказиш яхши анъанага айланди. Ана шундай тадбирлардан бири Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманидаги Кейки Мерген маҳалласида бўлиб ўтди. «Аскар бўлай десангиз» мавзуида ўтган ушбу тадбирда ҳарбий қисм офицер ва аскарлари ёшларга ҳарбий хизматнинг инсон камолотидаги ўрни хусусида сўзлаб бердилар.

Навоий вилоятининг Кармана туманида оммавий ватанпарварлик ойлиги доирасида ташкил этилган тадбирда эса мактаб ва коллеж ўқувчилари ўртасида спортнинг учкураш тури бўйича мусобақа ўтказилди. Тумандаги еттита мактаб ва тўртта касб-ҳунар коллежидан ўндан зиёд жамоа иштирок этган мазкур мусобақада ёшлар югуриш, граната улоқтириш ва мерганлик бўйича куч синашди.

Ватан ҳимоячилари куни олдидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилаётган бундай байрам тадбирлари ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

